

**“Шарғункўмир” акциядорлик жамияти
тафтиш комиссиясининг хулосаси**

“ 25 ” август 2022 йил

Тошкент шаҳри

Тафтиш комиссияси:

Шакиров Азамат Аскаралиевич - раис
Ишимов Зоир Очилдиевич - аъзо
Абдухакимова Нозима Равшановна - аъзо

Жамиятнинг 2022 йил 2 чорак якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари куйидаги кўринишда бўлган:

т\р	Кўрсаткичлар номи	Минг,сўм		
		2021й. 2 чорак	2022й. 2 чорак	-/+ фарки
1.	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	52 887 279	43 804 358	-9 082 921
2.	Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи	28 254 843	23 604 937	-4 649 906
3.	Маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда	24 632 436	20 199 421	-4 433 015
4.	Дебиторлик қарзлари	178 155 025	42 319 173	-135 835 852
5.	Кредиторлик қарзлари	32 949 030	35 561 643	2 612 613
6.	Давр харажатлари	20 863 409	18 937 691	-1 925 718
7.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	2 307 616	940 104	-1 367 512
8.	Асосий фаолиятнинг фойдаси	6 076 643	2 201 834	-3 874 809
9.	Молиявий фаолият бўйича даромадлар	353	351 911	351 558
10.	Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда	5 997 640	2 153 157	-3 844 483
11.	Фойда солиғи	925 640	372 724	-552 916
12.	Ҳисобот давридаги соф фойда	5 072 000	1 780 433	-3 291 567

2022 йил 2 чорагида 131,0 минг тонна кўмир ишлаб чиқариш режалаштирилган эди, ҳақиқатда эса 114,3 минг тонна кўмир ишлаб чиқарилди. Бизнес режага нисбатан 87 фоизга, 2021 йил 2 чорагига нисбатан эса 85 фоизга бажарилган.

Жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилганда, 2021 йил 2 чорак якуни бўйича дебитор қарзлари 178 155 025 минг сўм бўлган бўлса, 2022 йил 2 чорак якуни бўйича 42 319 173 минг сўмни ташкил этган. Дебиторлик қарзлари аввалги йилга нисбатан 135 835 852 минг сўмга камайган.

Кредитор қарзлари 2021 йил 2 чорак якуни бўйича 32 949 030 минг сўм бўлган бўлса, 2022 йил 2 чорак якуни бўйича 35 561 643 минг сўмни ташкил этган. Кредиторлик қарзлари аввалги йилга нисбатан 60 230 285 минг сўмга кўпайган.

Жамиятнинг 2022 йил 2 чоракда маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойдаси 20 199 421 минг сўмни ташкил этган ва бу аввалги йилга нисбатан 4 433 015 минг

сўмга камайган. Корхонанинг 2022 йил 2 чорак якуни бўйича фойда солиғи тўлағунга қадар фойдаси 2 153 157 минг сўмни ташкил этган, 372 724 минг сўм миқдорида фойда солиғи тўланган. Натижада жамиятнинг олган соф фойдаси 1 780 433 минг сўмни ташкил этади.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2022 йилнинг 2 чорагида тузилган шартномаларнинг умумий сони 335 та бўлиб, улардан 13 таси махсус электрон портал орқали, харид уз бўйича 11 та, хт-харид бўйича 295 та, хт харид танлов бўйича 4 та ва 12 та шартнома тўғридан-тўғри тузилганлиги маълум бўлди.

2022 йил 2 чорак давомида йирик битимлар тузилмаган.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2022 йилнинг 2 чорак давомида аффилиланган шахслар томонидан 40 та шартнома тузилган.

Тафтиш комиссияси раиси:



А.А. Шакиров

Тафтиш комиссияси аъзолари:



З. О. Ишимов

Н.Р. Абдухакимова